

ОИЛАНИНГ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Абдураманов Хамид Худайбергенович,
ТДИУ доценти, и.ф.н.

E-mail: khamid.abduramanov@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақолада оиланинг демографик ривожланишида юз бераётган тенденциялар таҳлил қилинган, унга таъсир этувчи омиллар аниқланган, Ўзбекистонда демографик сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг зарурлиги асосланган, оилани мустаҳкамлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы тенденции происходящие в демографическом развитии семьи, выявлены факторы влияния на нее, обоснована необходимость разработки и реализации концепции демографической политики в Узбекистане, даны научные предложения по укреплению семьи.

Abstract: This article analyzes the trends occurring in the demographic development of the family, identifies factors influencing it, substantiates the need to develop and implement the concept of demographic policy in Uzbekistan, and provides scientific proposals for strengthening the family.

Калит сўзлар: аҳоли, аҳолининг ёш-жинс таркиби, ажралиш, миграция, никоҳ, оила, туғилиш, ўлим

Кириш

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 229-сонли қарорининг 5-илова «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг устави тасдиқланган [2]. Унда оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш «Оила» марказининг асосий вазифалари бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарорида оилани ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини муваффақиятли олиб боришни тўхтатиб турувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ва белгиланган мақсадга эришишга тўсқинлик қилаётганлиги,

хусусан оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бераётганлиги, оила ажралишлари сонининг ўсаётганлиги, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабини асословчи тадқиқотлар етишмаслиги белгилаб берилган.

Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги республикада шакланган демографик вазиятни таҳлил қилишни, демографик ривожланишни рағбатлантиришни ва оила фаровонлиги даражасини оширишни, оила институтини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасида оиланинг демографик ривожланиши оила институтини мустаҳкамлаш концепциясида акс эттирилган.

Оиланинг демографик ривожланиши бўйича қатор олимларнинг илмий ишланмалари мавжуд. Жумладан, демограф олима М.Р.Бўриева томонидан Ўзбекистонда илк бор оиланинг ижтимоий-демографик таркиби, турлари таснифланган, оила вазибалари аниқланган ҳамда демографик фаолияти асосланган [3]. Ҳ.Мамадалиева томонидан бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши шароитида оилаларнинг демографик ривожланиши илмий таҳлил қилинган [4].

З.Н.Тожиева томонидан Ўзбекистон Республикаси демографик жараёнлари ва улардаги ўзгаришлар минтақаларнинг ҳудудий хусусиятлари билан биргаликда тадқиқ этилган [5]. Н.Н. Юлдашев Ўзбекистонда оилаларнинг демографик ҳолати, унинг сонига таъсир этувчи асосий демографик жараёнлар - туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш, туғилишнинг йиғинди коэффициенти, никоҳ ва никоҳдан ажралишлар, она ва болалар ўлими кўрсаткичлари таҳлил қилинган [6].

Аммо оиланинг демографик ривожланиши бўйича олиб борилган олимларнинг изланишларини таҳлил қилиш айнан оиланинг демографик ривожланишига никоҳ қуриш ёшидаги аҳолининг ёш-жинс таркиби, меҳнат миграциясининг таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Оиланинг ташкил топиши ва ривожланиши қатор ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар билан боғлиқ. Буларнинг ичида оиланинг ташкил бўлиши ва унинг мунтазамлигига демографик омиллар – никоҳга кириш, фарзанд туғилиши ва ажралиш бевосита таъсир этади.

Оила ташкил бўлиши ва унинг миқдорий ўзгариб бориши биринчи навбатда жамиятнинг демографик ҳолатига боғлиқ. Демографик ҳолат эса аҳолининг ёш ва жинсий таркиби, никоҳга кириши ва никоҳнинг бекор этилиши (ажралиш), туғилиш, ўлим ва миграция каби жараёнларда ифодаланади.

Энди оиланинг демографик ривожланишига таъсир этувчи омилларни батафсил кўриб чиқсак.

1. Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби. Оила ташкил топишида аҳолининг ёш ва жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Аҳоли таркибида эркак ва аёллар салмоғининг тенглиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга киришига ва оила

ташқил топишига қулай вазият яратади. Лекин ҳар доим ҳам жамиятда эркак ва аёллар салмоғи тенг бўлавермайди.

Оила сонининг ошиб боришида ёшларнинг, айниқса, 15-19, 20-24, 25-29 ёшли гуруҳларнинг жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аҳоли асосан ана шу ёшларда никоҳга кириб, оила қурадилар.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2010-2017 йиллар 10-14 ёш гуруҳидаги аҳоли сони – 9,4 фоизга, 15-19 ёш гуруҳидаги аҳоли сони эса 12,5 фоизга камайган. Бу кўрсаткичларни шу ёш гуруҳларидаги аҳолининг жинс таркибида ҳам кўришимиз мумкин. Яъни таҳлил қилинаётган йилларда 10-14 ёш гуруҳидаги аёллар сони 9,6 фоизга, эркаклар сони – 9,2 фоизга, 15-19 ёш гуруҳидагилар сони эса мос равишда 12,9 ва 12,1 фоизларга камайган.

Агар аҳоли таркибида ёшлар, яъни 20-29 ёшли гуруҳлар салмоғи юқори бўлса, янги оилалар пайдо бўлиши ва оила сонининг ошиб боришига замин бўлади. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 20-29 ёшдаги доимий аҳоли сони 2012 йилдаги 6142,9 минг кишидан 2017 йилда 6280,8 минг кишига ёки ўтган 6 йилда уларнинг сони 2,2 фоизга ортган. Бу даврда 20-29 ёшдагилар сони Қорақалпоғистон Республикаси (5,3%), Бухоро (0,3%), Навоий (0,5%), Сирдарё (3,0%), Тошкент вилоятлари (3,4%) ва Тошкент шаҳрида (10,2%) камайган.

Лекин йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва унинг барча ҳудудларида 20-29 ёшдаги доимий аҳоли сонининг камайиши бошланди (2017 йилда 2015 йилга нисбатан республикада уларнинг сони 1,0 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 0,7 фоизга камайган).

Агар 2012 йилда доимий аҳоли таркибида 20-29 ёшдагилар улуши 20,4 фоизни ташқил этган бўлса, 2017 йилда 19,2 фоизга тенг бўлган.

Прогноз маълумотларига қараганда, 2030 йилга бориб 24-29 ва 30-34 ёш гуруҳларидаги аҳоли сонининг камайиши кутилади. Мазкур ҳолат яқин истиқболда янги оила қурадиган ёшдаги аҳоли сонининг камайиши ҳисобидан оила сонининг ҳам камайиб бориши кузатилади.

2. Туғилиш. Оиланинг мунтазам давом этиши, яъни унинг такрор барпо бўлиш жараёни аввало оиланинг демографик фаолиятига – туғилишга боғлиқ. Жамиятда оила сони бир хил сақланиб қолиши учун ҳар бир оила ўртача иккитадан фарзанд кўриб, уларни балоғат ёшига етказиши керак. Агар оилада ўртача тўрт фарзанд камолга етса, ҳар бир оила ўз ўрнига иккитадан оила қолдирган бўлади. Демак, ҳар бир давлатда оиланинг такрор барпо бўлиш жараёни шу давлатда истиқомат этаётган аҳолининг туғилиш даражасига боғлиқ. Туғилиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда оилалар сони тез кўпайиб боради.

Туғилиш икки жараён: биринчиси, оиланинг энг муҳим демографик вазифаси авлод яратиш, инсон зотини давом эттирувчи жараён бўлса, иккинчиси, оиланинг такрор барпо бўлиши, унинг мунтазам давом этишини таъминловчи жараён сифатида намоён бўлади.

Айтиш жоизки, 2015 йилдан бошлаб республикада туғилганлар сонининг камайиши бошланди (1-жадвал).

Ўзбекистонда туғилганлар сони ва туғилиш коэффицентининг ўзгариши

| | Йиллар | | | Туғилганлар сонининг ўзгариши, % | | Ҳар 1000 аҳоли нисбатан туғилганлар сони | | |
|--------------------------------|---------------|---------------|---------------|----------------------------------|--------------------------------|--|-------------|-------------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2017 йилда 2016 йилга нисбатан | 2017 йилда 2015 йилга нисбатан | 2015й | 2017й | 2017-2015 |
| Ўзбекистон Республикаси | 734141 | 726170 | 715519 | -1,5 | -2,5 | 23,5 | 22,1 | -1,4 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 41345 | 39427 | 37754 | -4,2 | -8,7 | 23,3 | 20,6 | -2,7 |
| вилоятлар: | | | | | | | | |
| Андижон | 69562 | 68784 | 67368 | -2,1 | -3,2 | 24,1 | 22,6 | -1,5 |
| Бухоро | 39352 | 38297 | 37228 | -2,8 | -5,4 | 21,9 | 20,0 | -1,9 |
| Жиззах | 31887 | 31566 | 30984 | -1,8 | -2,8 | 25,2 | 23,6 | -1,6 |
| Қашқадарё | 78543 | 77684 | 76687 | -1,3 | -2,4 | 26,2 | 24,6 | -1,6 |
| Навоий | 20259 | 20837 | 20563 | -1,3 | +1,5 | 22,0 | 21,6 | -0,4 |
| Наманган | 61980 | 62164 | 61380 | -1,3 | -1,0 | 24,0 | 22,9 | -1,1 |
| Самарқанд | 88649 | 88295 | 89956 | +1,9 | +1,5 | 25,0 | 24,4 | -0,6 |
| Сурхандарё | 64424 | 62638 | 64908 | +3,6 | +0,8 | 27,0 | 26,1 | -0,9 |
| Сирдарё | 17862 | 17623 | 17627 | 0,0 | -1,3 | 22,8 | 21,8 | -1,0 |
| Тошкент | 58692 | 57190 | 54794 | -4,2 | -6,6 | 21,1 | 19,3 | -1,8 |
| Фарғона | 79241 | 78587 | 75501 | -3,9 | -4,7 | 22,8 | 21,0 | -1,8 |
| Хоразм | 39543 | 39199 | 37619 | -4,0 | -4,9 | 22,8 | 21,0 | -1,8 |
| Тошкент ш. | 42802 | 43879 | 43150 | -1,7 | 0,8 | 18,0 | 17,7 | -0,3 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалдан кўришиб турганидек, 2017 йилларда туғилганлар сони 2015 йилга нисбатан 2,5 фоизга, 2016 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайган. Самарқанд ва Сурхандарё вилоятларидан ташқари барча ҳудудларда туғилганлар мутлақ сони камайган.

Ҳар 1000 аҳолига ҳисоблаганда туғилганлар сони республиканинг барча ҳудудларида камайган. Туғилишнинг энг паст кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (17,7%), Тошкент вилояти (19,3%), Бухоро вилояти (20%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (20,6%) қўзатирилган.

Республикада туғилиш кўрсаткичларининг камайиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- ҳар бир оиланинг ўз иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб фарзандлари сонини режалаштириши (шаҳар жойларида 1-2, қишлоқ жойларида 2-3 фарзанд);
- никоҳга кириш ёшининг узайиши (2017 йил эркакларда 26,3 ёш, аёлларда 22,8 ёш);
- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатнинг ўзгариши. Яъни, аҳолининг туғиш ўртасидаги даврийликни чўзиш ҳисобидан соғлом болани дунёга келтириш ва тарбиялашга йўналтириш, аёлларнинг қулай ёш – 20-30 ёшда бола туғишини рағбатлантириш;

- аҳолининг контрацепция воситалари, жумладан, бепул бериладиган воситалардан фойдаланишни анча кенгайтириш. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун контрацепция воситаларидан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш;

- оилаларнинг фарзандлар учун молиявий жавобгарликнинг ошиши туфайли аёлларнинг кам бола туғиш бўйича репродуктив қарашларининг ўзгариши. Бу аёлларнинг айти пайтда оила бюджетининг молиявий ресурсларини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши билан ҳам боғлиқ;

- аҳолининг ташқи меҳнат миграцияси;

- туғилишнинг камайишига бутун жаҳонда давом этаётган тенденцияларнинг таъсири.

Сўнги йилларда республикада туғилганлар сонининг камайиши ҳисобига Ўзбекистон (БМТ таснифи бўйича) туғилиш даражаси ўртача бўлган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади.

Никоҳга кириш ёши туғилиш кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ёшнинг қуйи чегараси одатда жинсий етуклик билан белгиланади, бироқ барча давлатларда ижтимоий камолга эришганлиги (ўқишни битирганлиги, касбни эгаллаганлиги, доимий даромад олиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳ.к.)ни ҳисобга олган ҳолда никоҳга кириш ёшини белгилайди.

Ўзбекистонда никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Статистик маълумотларга кўра, биринчи марта никоҳланувчиларнинг ўртача ёши расман рухсат этилган ёшдан бир мунча юқори (2-жадвал).

2-жадвал

Илк мартаба никоҳга кирувчиларнинг ўртача ёши

| Худудлар | 2013 йил | | 2017 йил | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) | |
|--------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|---|------------|
| | эркаклар | аёллар | эркаклар | аёллар | эркаклар | аёллар |
| Ўзбекистон Республикаси | 25,9 | 22,5 | 26,3 | 22,8 | 0,4 | 0,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 26,9 | 24,0 | 27,1 | 24,2 | 0,2 | 0,2 |
| вилоятлар: | | | | | | |
| Андижон | 25,7 | 22,0 | 26,1 | 22,3 | 0,4 | 0,3 |
| Бухоро | 24,5 | 22,4 | 25,2 | 22,8 | 0,7 | 0,4 |
| Жиззах | 26,3 | 22,9 | 26,7 | 23,2 | 0,4 | 0,3 |
| Қашқадарё | 26,5 | 22,6 | 26,7 | 22,9 | 0,2 | 0,3 |
| Навоий | 25,7 | 22,9 | 26,0 | 23,2 | 0,3 | 0,3 |
| Наманган | 25,2 | 21,6 | 25,8 | 21,9 | 0,6 | 0,3 |
| Самарқанд | 25,9 | 22,3 | 26,0 | 22,3 | 0,1 | 0,0 |
| Сурхандарё | 26,7 | 23,0 | 26,9 | 23,2 | 0,2 | 0,2 |
| Сирдарё | 26,4 | 22,9 | 27,2 | 23,4 | 0,8 | 0,5 |
| Тошкент | 26,1 | 22,7 | 26,8 | 23,2 | 0,7 | 0,5 |
| Фарғона | 25,2 | 21,5 | 25,8 | 22,0 | 0,6 | 0,5 |
| Хоразм | 25,0 | 22,8 | 25,4 | 23,1 | 0,4 | 0,3 |
| Тошкент ш. | 26,5 | 22,9 | 27,1 | 23,3 | 0,6 | 0,4 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республикада биринчи марта никоҳланувчиларнинг ўртача ёши эркакларда аёлларга нисбатан бир мунча юқори. Таҳлилларга кўра, Наманган ва Фарғона вилоятларида аёллар нисбатан ёш, Қорақалпоғистон Республикасида эса нисбатан кеч никоҳга киришини кўрсатади. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда аёл ва эркакларнинг биринчи марта никоҳланувчиларнинг ўртача ёшини таҳлил қилиш, шаҳарларда қишлоқларга нисбатан бир мунча кеч никоҳга киришини кўрсатди.

Онанинг биринчи фарзандни дунёга келтиришдаги ўртача ёши ошиб бормоқда. Бу ҳолат биологик имкониятлар ойнасини торайтиради. Бугунги кунда биринчи марта туққан онанинг ўртача ёши 23,8 ёшни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Қашқадарёда 25,4 ёш, Навоий ва Сирдарё вилоятларида – 24,2 ёш. Ушбу тенденция ижобий жиҳатлар (фарзанд ижтимоий жиҳатдан етук ота-оналарда туғилади) билан бир қаторда салбий томонга ҳам эга, чунки ёш ўтиши билан туғишни қийинлаштирувчи патологиялар ортиб боради.

3. Аҳоли ўлими. Оиланинг демографик ривожланишига ўлим кўрсаткичлари бевосита ўз таъсирини ўтказади. Чунки туғилган аҳолининг ҳаёт қолиб, камолга етган қисмигина оила қуради. Лекин туғилган аҳолининг ҳаммаси ҳам камолот ёшига етавермайди. Айниқса, болалар ўлими юқори бўлган ҳолларда туғилиш юқори бўлса ҳам аҳолининг табиий ўсиши секин боради. Туғилган болаларнинг жуда оз қисмигина оила қуриш ёшига етиб борадилар.

Эркак ва аёллар физиологик жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқланади, шу боис уларнинг касалланиши ва ўлим ҳолатлари ҳам турличадир. Эркакларда аёлларга нисбатан ички аъзоларнинг ривожланиши жуда қийинчилик билан кечади, шу боис ҳомиладорлик пайтида бола тушиб қолиш ва ўлик ҳолда туғилиш ҳолатлари ўғил болаларда қизларга қараганда 1,5-2,0 баробар кўп бўлади. Эркаклар ва аёлларнинг генетик фарқлари бутун ҳаёти давомида ҳам сезилади.

Ўзбекистонда ўлганлар сони 2013 йилда 145,6 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 160,7 минг нафарга етган ёки ўтган 5 йилда ўлганлар сони 10,3 фоизга ортган. Бу даврда эркаклар ўлими 11,3 фоизга, аёллар ўлими 9,2 фоизга кўпайган.

Республикада ўлганлар сонининг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (6,7%), Тошкент (5,7%) ва Андижон вилоятларида (5,3%) кузатилади.

Аҳолининг ўлим даражаси туғилганда кутилаётган умр давомийлигини белгилаб беради.

Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги бўйича ўғил ва қиз болалар ўртасидаги фарқ 3-5 йилни ташкил этади. Бу тафовут ёши катталашган сайин қисқаради. Масалан, ўспирин қиз ва ўғил болаларда 15 ёшда бу тафовут 8 йилни, катта ёшдаги меҳнатга қобилиятли (45 ёшдаги) аҳоли учун бу кўрсаткич 6 йилни ташкил этади. Эркаклар пенсияга чиққандан сўнг 14 йил, аёллар эса 21 йил яшаш эҳтимоли мавжуд. Эркаклар ва аёллар ўртасида умр давомийлиги бўйича бундай катта тафовут жинс бўйича ўлим даражасидаги фарқларга боғлиқ.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги 5 йил давомида (2013-2017 йиллар) республика бўйича туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 73,4 ёшдан 73,7 ёшга етган (3-жадвал).

Республика ҳудудлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, туғилишда кутилаётган умр давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи (2017 йил) Жиззах (75,7 ёш), Бухоро

вилояти (75,5 ёш) ва Тошкент шаҳрида (74,5 ёш), энг паст кўрсаткичи Сирдарё вилоятида (70,6 ёш) кузатилган.

3-жадвалдан кўриниб турганидек, республикада эркаклар аёллардан ўртача 5 йил кам яшамоқда. Яъни эркакларнинг туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 71,3 ёш, аёлларники эса 76,1 ёш.

Эркакларни туғилишда кутилаётган умр давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи Бухоро вилоятида (73,6 ёш), энг паст кўрсаткичи эса Сирдарё вилояти (68,5 ёш) кузатилган.

Бу кўрсаткични аёллар бўйича таҳлил қилинганда Жиззах вилоятида энг юқори (80,3 ёш), унга қўшни Сирдарё вилоятида эса энг паст (72,6 ёш) эканлиги аниқланди. Шунини алоҳида айтиш керакки, Сирдарё вилоятида аёллар республика кўрсаткичидан ўртача 4 йил кам яшамоқда. Ҳатто Бухоро вилоятидаги эркакларнинг умр давомийлиги Сирдарё вилоятидаги аёлларникидан 1 йил ортиқни ташкил этмоқда.

3-жадвал

Туғилишда кутилаётган умр давомийлиги, ёш

| | Жами | | Эркаклар | | Аёллар | |
|--------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| | 2013 | 2017 | 2013 | 2017 | 2013 | 2017 |
| Ўзбекистон Республикаси | 73,4 | 73,7 | 71,1 | 71,3 | 75,8 | 76,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 71,9 | 72,7 | 69,6 | 70,1 | 74,3 | 75,3 |
| <i>вилоятлар:</i> | | | | | | |
| Андижон | 72,1 | 72,1 | 70,5 | 70,1 | 73,9 | 74,2 |
| Бухоро | 74,7 | 75,5 | 73,1 | 73,6 | 76,2 | 77,4 |
| Жиззах | 76,0 | 75,7 | 72,9 | 71,9 | 79,4 | 80,3 |
| Қашқадарё | 75,0 | 74,2 | 73,1 | 72,3 | 76,9 | 76,3 |
| Навоий | 73,6 | 74,1 | 71,7 | 72,2 | 75,6 | 76,1 |
| Наманган | 73,3 | 73,1 | 71,6 | 71,7 | 75,2 | 74,7 |
| Самарқанд | 73,5 | 74,0 | 71,0 | 71,8 | 76,1 | 76,3 |
| Сурхандарё | 74,1 | 73,2 | 72,1 | 71,3 | 76,2 | 75,3 |
| Сирдарё | 70,4 | 70,6 | 68,1 | 68,5 | 72,7 | 72,6 |
| Тошкент | 72,4 | 73,3 | 69,5 | 70,3 | 75,3 | 76,4 |
| Фарғона | 73,6 | 74,3 | 71,8 | 72,4 | 75,6 | 76,2 |
| Хоразм | 73,3 | 72,9 | 71,0 | 70,9 | 75,4 | 74,9 |
| Тошкент ш. | 73,4 | 74,5 | 69,4 | 70,5 | 77,0 | 78,1 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кўп жиҳатдан эркакларнинг меҳнатга лаёқатли ёшда ўлимнинг юқори даражаси туфайли уларнинг кам умр кўриши сақланиб турибди. Эркаклар ва аёллар умр кўришининг узунлигидаги катта фарқ аҳоли жинсий таркибининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади. Аёллар сонининг эркаклар сонидан ортиқчилиги 35-40 ёшдан катта барча ёш гуруҳларида қайд этилмоқда. Бу ҳолат оиланинг демографик ривожланишига қуйидагича таъсир қилади:

1. Оилада ота фарзандлари туғилиб, уларнинг вояга етгунга қадар ўлими (меҳнатга қобилиятли ёшда) натижасида ёлғиз онанинг ўзи фарзандларини боқиши, таълим-тарбияси билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолмоқда. Шунингдек, оиланинг моддий таъминоти ҳам онани зиммасига тушмоқда. Оилада бу фарзандларнинг олий маълумотли бўлиши маблағ талаб қилганлиги (олий таълим

муассасаларида ўқиш асосан тўлов-контракт асосида амалга оширилганлиги) боис олий маълумотли бўлишда маҳрум бўлиб, ишлашга (айниқса юқорида ҳақ тўланадиган бошқа мамлакатларда) мажбур бўлмоқда.

Шунинг учун бундай оила фарзандларига таълим кредитини бериш механизмини соддалаштириш (туман (шаҳар) оила) маркази, маҳалла томонидан берилган маълумотнома орқали бериш тартибини жорий қилиш) мақсадга мувофиқ.

2. Оилада эркалар ўлимнинг юз бериши ижтимоий муаммоларни кескинлаштириб, аҳоли саломатлигини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этишда гендер жиҳатларни ҳисобга олиш заруратини юзага келтиради.

Эркалар ва аёллар ўртасида умр давомийлиги бўйича бундай катта тафовут эркаларнинг умр давомийлигини узайтиришни тақозо этади. Айнан шу ҳолат Ўзбекистонда аҳолининг умр давомийлигини янада ошириш йўналишида асосий захира ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга оширилиши меҳнатга қобилиятли катта ёшдаги юз минглаб эркаларнинг умрини узайтиришга замин яратади.

Республикамизда аёлларга хизмат кўрсатувчи маслаҳатхона ва туғруқхоналар мавжуд бўлиб, улар аёллар ўртасида фойдали тадбирларни амалга оширмоқда. Шулар билан бирга эркаларнинг умр давомийлигини оширишга кўмаклашадиган эркалар учун маслаҳат бериш муассасаларини ҳам ташкил этиш лозим. Шундай давр келдики, оналикни муҳофаза қилиш билан бирга оталикни муҳофаза қилишни ҳам ташкил этиш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, эркаларнинг кам ҳаёт кечириши мамлакат ва иқтисодиёт муаммоси ҳисобланади, чунки айрим мамлакатларда эркалар ишчи кучининг етишмаслиги айнан меҳнатга қобилиятли эркаларнинг барвақт ўлими натижасида вужудга келади.

4. Никоҳ. Оиланинг демографик тараққиётига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири никоҳ бўлиб, у эрка билан аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солинган ўзаро ҳамда болаларига нисбатан муносабатлари шаклидир.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги 5 йилда (2013-2017 йиллар) тузилган никоҳлар сони 304 859 нафардан 306 197 нафарга ёки 0,4 фоизга ортган. Бу даврда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида тузилган никоҳлар сони камайган (4-жадвал).

Республика ва унинг ҳудудларида никоҳга кириш ёшининг узайиши ва никоҳга кириш ёшидаги аҳоли сонининг йил сайин камайиб бораётганлиги тузилаётган никоҳлар сонининг жами аҳолига нисбатан қисқаришини таъминламоқда. Агар 2013 йилда ҳар 1000 аҳолига нисбатан тузилган никоҳлар сони (никоҳ коэффициенти) 10,1 нафарни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 9,5 га тенг бўлган ёки 0,6 пунктга камайган.

Бу даврда республиканинг барча ҳудудларида никоҳ коэффициенти (фақат Сурхандарё вилоятида аҳолига нисбатан тузилган никоҳлар сони ортган) камайган. Ҳар 1000 аҳолига нисбатан тузилган никоҳларнинг энг паст кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикаси (7,7) ва Тошкент шаҳрида (7,8) кузатилган. Юқоридаги ҳудудлардаги ҳолатга аҳолисининг миллий таркиби ҳам таъсир қилади.

4-жадвал

Тузилган никоҳлар сони ва никоҳ коэффициентининг ўзгариши

| Худудлар номи | Тузилган никоҳлар сони, киши | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (%) | Ҳар 1000 аҳолига нисбатан тузилган никоҳлар сони | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|------------------------------|------------------------------|--------|---|--|--------|---|
| | 2013 й | 2017 й | | 2013 й | 2017 й | |
| Ўзбекистон Республикаси | 304859 | 306197 | +0,4 | 10,1 | 9,5 | -0,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 16525 | 14109 | -14,6 | 9,6 | 7,7 | -1,9 |
| вилоятлар: | | | | | | |
| Андижон | 30617 | 28715 | -6,2 | 11,0 | 9,6 | -1,4 |
| Бухоро | 17438 | 16329 | -6,4 | 10,0 | 8,8 | -1,2 |
| Жиззах | 11996 | 13060 | +8,9 | 9,9 | 9,9 | 0,0 |
| Қашқадарё | 31187 | 31767 | +1,9 | 10,9 | 10,2 | -0,7 |
| Навоий | 9316 | 8925 | -4,2 | 10,4 | 9,4 | -1,0 |
| Наманган | 25110 | 26336 | +4,9 | 10,1 | 9,8 | -0,3 |
| Самарқанд | 36322 | 38308 | +5,5 | 10,6 | 10,4 | -0,2 |
| Сурхандарё | 24485 | 28047 | +14,5 | 10,7 | 11,3 | 0,6 |
| Сирдарё | 7675 | 7414 | -3,4 | 10,1 | 9,2 | -0,9 |
| Тошкент | 24517 | 23721 | -3,2 | 9,0 | 8,3 | -0,7 |
| Фарғона | 33369 | 33922 | +1,7 | 9,9 | 9,4 | -0,5 |
| Хоразм | 17516 | 16397 | -6,4 | 10,5 | 9,2 | -1,3 |
| Тошкент ш. | 18786 | 19147 | +1,9 | 8,0 | 7,8 | -0,2 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республика бўйича никоҳланувчиларнинг асосий қисми 20-29 ёшда оила қурмоқда (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳланувчиларнинг ёши бўйича сони

| Ёши | Никоҳланган эркаклар | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан, % | Никоҳланган аёллар | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан, % |
|---------------------|----------------------|----------------|-----------------------------------|--------------------|----------------|-----------------------------------|
| | 2013й | 2017й | | 2013й | 2017й | |
| Жами | 304 859 | 306 197 | 100,4 | 304 859 | 306 197 | 100,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | | | | |
| 16 | - | - | - | 32 | 3 | 9,4 |
| 17 | 8 | 4 | 50,0 | 6 381 | 4 403 | 69,0 |
| 18 | 1 027 | 555 | 54,0 | 22 087 | 20 314 | 92,0 |
| 19 | 3 519 | 2 090 | 59,4 | 41 027 | 41 296 | 100,7 |
| 20-24 | 126 917 | 108 881 | 85,8 | 175 949 | 171 521 | 97,5 |
| 25-29 | 135 611 | 146 378 | 107,9 | 41 490 | 43 202 | 104,1 |
| 30-34 | 21 168 | 26 314 | 124,3 | 10 273 | 14 333 | 139,5 |
| 35-39 | 7 578 | 8 985 | 118,6 | 3 996 | 6 047 | 151,3 |
| 40-44 | 3 886 | 5 183 | 133,4 | 1 711 | 2 549 | 149,0 |
| 45-49 | 2 140 | 3 067 | 143,3 | 852 | 1 216 | 142,7 |
| 50-54 | 1 344 | 1 921 | 142,9 | 597 | 731 | 122,4 |
| 55-59 | 792 | 1 414 | 178,5 | 265 | 366 | 138,1 |
| 60 ёш ва катталар | 869 | 1 405 | 161,7 | 199 | 216 | 108,5 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

5-жадвалдан кўринадик, ўтган беш йил давомида (2013-2017 йиллар) 16-19, 20-24 ёш гуруҳларида никоҳланувчилар сони кескин камайган. 25-29 ёш гуруҳидан никоҳланган эркаклар сони 7,9 фоизга, никоҳланган аёллар сони эса 4,1 фоизга ортган. Аҳолининг 85 фоизи 20-29 ёш гуруҳида никоҳ қуради. Кўриниб турганидек, 20-24 ёшдаги никоҳга кирувчилар сони камайган, 25-29 ёшдагиларни ўсиш суръати бошқа ёш гуруҳларга нисбатан кескин пасайган.

40-44, 45-49, 50-54, 55-59, 60 ёш ва ундан катталарда никоҳланган эркаклар сони ортган. Айниқса, 55-59 ёш гуруҳида 78,5 %га, 60 ёш ва ундан катта эркакларда никоҳланганлар сони 61,7 фоизга ортган.

Аёлларда никоҳланганлар сонидан эркакларга нисбатан бошқача тенденция кузатилади. Яъни эркакларда ёш ўсган сайин никоҳланганлар сони ортса, аёлларда эса аксинча камайган.

5. Ажралиш. Оила таркибига ҳамда ривожланишига бевосита таъсир этувчи омиллардан яна бири – никоҳнинг бекор этилиши, яъни ажралишдир. Маълумки, оилада эр-хотиннинг ажралиши, яъни никоҳнинг бекор этилиши, биринчи навбатда, оиланинг демографик таркибига таъсир этади. Оила тўлиқ оиладан, тўлиқ бўлмаган оилага айланади. Оилада фарзандлар туғилиши маълум даражада камаяди. Бу эса, ўз навбатида, оилани давом эттирувчи авлод яратилишига, оиланинг демографик ривожланишига, яъни такрор барпо бўлишига салбий таъсир этади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, республикада ажралишлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида никоҳдан ажралишлар сони ва никоҳдан ажралиш коэффициентининг ўзгариши

| Худудлар номи | Ажралишлар сони | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (%) | Ҳар 1000 аҳолига нисбатан | | 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (%) |
|---------------------------------|-----------------|-------|--|------------------------------|-------|--|
| | 2013й | 2017й | | 2013й | 2017й | |
| Ўзбекистон Республикаси | 24025 | 31929 | +32,9 | 0,8 | 1,0 | +0,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 982 | 1309 | +33,3 | 0,6 | 0,7 | +0,1 |
| вилоятлар: | | | | | | |
| Андижон | 2203 | 3164 | +43,6 | 0,8 | 1,1 | +0,3 |
| Бухоро | 1319 | 1822 | +38,1 | 0,8 | 1,0 | +0,2 |
| Жиззах | 692 | 1121 | +62,0 | 0,6 | 0,9 | +0,3 |
| Қашқадарё | 1144 | 1952 | +70,6 | 0,4 | 0,6 | +0,2 |
| Навоий | 940 | 1115 | +18,6 | 1,1 | 1,2 | +0,1 |
| Наманган | 1788 | 2518 | +40,8 | 0,7 | 0,9 | +0,2 |
| Самарқанд | 2410 | 4007 | +66,3 | 0,7 | 1,1 | +0,4 |
| Сурхандарё | 993 | 1812 | +82,5 | 0,4 | 0,7 | +0,3 |
| Сирдарё | 697 | 1095 | +57,1 | 0,9 | 1,4 | +0,5 |
| Тошкент | 2990 | 3620 | +21,1 | 1,1 | 1,3 | +0,2 |
| Фарғона | 2439 | 3498 | +43,4 | 0,7 | 1,0 | +0,3 |
| Хоразм | 797 | 1325 | +66,2 | 0,5 | 0,7 | +0,2 |
| Тошкент ш. | 4631 | 3571 | -22,9 | 2,0 | 1,5 | -0,5 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Агар 2013 йилда ажралишлар сони 24025 нафарни ташкил этган бўлса, 31929 нафарга тенг бўлган ёки 5 йил давомида 32,9 фоизга ортган. Ачинарлиси шундаки, Тошкент шаҳридан ташқари республиканинг барча ҳудудларида ажралганлар сони ортган. Аммо Тошкент шаҳрида ажралиш коэффиценти (ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда ажралганлар сони) энг юқори (1,5). Бундай юқори кўрсаткичлар Сирдарё (1,4), Тошкент (1,3) ва Навоий (1,2) вилоятларида ҳам кузатилади.

Сўнги йилларда оилада эр-хотин ўртасида бир-бирини тушуниш, тотувликнинг йўқлиги, фарзандсизлик, эр-хотин шахсий ҳаётига бошқаларнинг аралашуви ҳамда улар ўртасидаги ўзаро можаролар, сурункали ичкилик ажримларга асосий сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ажралишлар сонининг ортишига ҳудуд аҳолисининг миллий таркиби (руслар, украинлар, татарлар, корейслар ва бошқа европа миллатларининг кўплиги), аҳоли (айниқса, аёллар) маълумот даражасининг ортиши, ташқи меҳнат миграциясининг ортиши, ёшларни оила қуришга тайёрлаш жараёнида оналарнинг демографик саводхонлигининг паст даражаси ва ҳ.к. муҳим омиллар эканлигини чуқур ўрганиш, бу бўйича махсус тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

6. Меҳнат миграцияси. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси кўпчилик учун оилани боқишнинг ягона усулига айланди. Янги шароитда оила у ерда пул маблағларининг катта қисми ишчи кучини экспорт қилиш ҳисобига жалб этиладиган мутлақо бошқача иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Меҳнат мигрантлари вақтининг катта қисмини бошқа маданият қуршовида ўтказди. Ўзбекистоннинг ҳар йили қарийб икки миллион нафар фуқароси (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига қараганда, 2018 йилнинг 6 ойида 2 644 128 нафар фуқаро хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетган.) бориб турадиган хорижий мамлакатларда (айниқса, Россия) ижтимоий жараёнлар уларнинг ватанидагидан бошқача тарзда кечади. Россия жамияти асосан анъанавий институтларнинг барбод бўлиши жараёнларини бошдан кечирмоқда. Россияликларнинг катта қисми ёлғизлик йўлини афзал кўрган ҳолда оила қуришга шошилмайди. Катта ёшдаги қариндошлар билан ўзаро муносабатлар ҳам Ўзбекистонда одат тусига кирган ҳолатдагига қараганда камроқ боғлиқлик асосида қурилади. Бу, айтиқса меҳнат мигрантларини жалб қилувчи шаҳарларга хос хусусият.

Сўнги ўрганишлар натижаларига кўра, меҳнат мигрантларининг асосий қисмини эркеклар ташкил этган бўлиб, улар жами меҳнат мигрантларининг 80,9 фоизига тенг бўлган. Аёл мигрантлар эса 19,1 фоизга тенг бўлиб, 2016 йилги кузатувларга нисбатан 3,7 пунктга ортган. Кузатишлардан шу нарса маълум бўладики, сўнги йилларда ташқи меҳнат мигрантлари орасида аёлларнинг сони маълум даражада ошиши Туркия давлатига бориб ишлаётган аёллар салмоғи сезиларли даражада ошиб бораётгани билан боғлиқ (7-жадвал).

7-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Туркияга борувчи меҳнат мигрантлар орасида аёллар эркекларга нисбатан анча юқори бўлиб, жами аёл мигрантларининг 17,6 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг сўнги йилларда ошиб боришига мазкур давлатда меҳнат фаолиятини юритиш нисбатан хавфсизлиги, иш ҳақининг юқорилигидан ташқари, миллатлар ўртасида дўстона муносабат, умумий ўтмиш, ўхшаш урф-одатлар, ягона дин ва ақидалар каби бир қатор муҳим жиҳатлар омил бўлмоқда [7].

Мигрантларининг меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлатлардаги ижтимоий таркиби, фоизда (2017 йил)

| Т/р | Мамлакат номи | Улуши | |
|-----|----------------------------|----------|--------|
| | | эркаклар | аёллар |
| 1 | Россия Федерацияси | 81,0 | 67,3 |
| 2 | Қозоғистон | 12,3 | 10,0 |
| 3 | МДХнинг бошқа давлатлари | 0,5 | 0,6 |
| 4 | Туркия | 2,5 | 17,6 |
| 5 | Жанубий Корея | 2,4 | 1,4 |
| 6 | Бирлашган Араб Амирликлари | 0,2 | 1,6 |
| 7 | Бошқа осиё давлатлари | 0,3 | 0,8 |
| 8 | Европа давлатлари | 0,4 | 0,1 |
| 9 | Америка Қўшма Штатлари | 0,3 | 0,4 |
| 10 | Бошқа давлатлар | 0,1 | 0,3 |

Манба: Абдурахманова Г.Қ., Мухитдинов Э.М. Аҳолини иш билан бандлигини оширишда ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, июль-август, 2018 йил. – 6-бет

Яна бир эътиборли жиҳат аёл мигрантларининг Бирлашган Араб Амирликларига бориши билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, бу давлатга меҳнат қилиш мақсадида борувчи аёллар сўров ўтказилган респондентлар ичида сўнгги бир йил ичида 8 баробарга кўпайган. Хусусан, 2016 йилда Бирлашган Араб Амирликларига бориб меҳнат қилганлигини қайд этган аёллар жами аёл респондентларининг 0,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга сўров давомида 1,6 фоизга етгани аниқ бўлди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлар асосан турмуш қурган фуқаролардир. Бу ўз-ўзидан тушунарлики, меҳнат ресурслари таркибида турмуш қурганлар турмуш қурмаган ҳамда ажрашганларга нисбатан анча кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган. Бироқ таҳлилларга кўра, уйланмаган/ турмуш қурмаган ва ажрашган/ бева мигрантлар ўтган йилларга нисбатан ортганини кузатишимиз мумкин. Кузатишлар натижасига кўра, уйланмаган/ турмуш қурмаган мигрантларнинг кўпайиши фуқароларнинг тўй ва шунга боғлиқ харажатлар учун етарли маблағ топиш истагида хорижга меҳнат қилишга бораётгани маълум бўлди.

Бугунги кунда меҳнат мигрантларининг никоҳни бекор қилиши алоҳида муаммога айланиб бормоқда. Эркаклар ишлаб юрган жойида ўзига бошқа умр йўлдоши топиши ҳолатлари учрамоқда. Уларнинг турмуш ўртоқлари учун эса эркакнинг узоқ вақт уйда бўлмаслиги ҳақиқий синов вазифасини ўтамоқда. Ушбу жараён ҳам республикада оила институтининг демографик тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда смс-ажралишлар ҳам урфга айланмоқда. Ажралишнинг бундай турида эркаклар чет элда ишлаб юриб, турмуш ўртоқларига “талоқ” сўзини смс-хабар орқали ёзиб юборади. Бунинг натижасида аёл суд қарорисиз, одатда, ҳимоясиз қолиб, ота-онасининг уйига қайтишга мажбур бўлади. Бу борада эркакларни масъулиятли бўлишга чақириб, уларга ажралишнинг бундай шакли ноқонуний эканлигини тушунтириш, бундай ҳолат билан курашиш оила масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, айниқса ёш эркакларда меҳнат миграциясининг юқори даражаси, уларнинг бошқа мамлакатларда узоқ муддат меҳнат қилиши улар томонидан шу ҳудудда янги оила қурилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат оилалар ўртасидаги низола, оилаларнинг бузилиши, фарзандлар етимлиги ва қаровсизлигининг кенг тарқалган сабаби бўлиб қолмоқда. Шунингдек, миграция эр-хотин ўртасида масофавий муносабатларни юзага келтириб, тугалмас оилалар, бева аёллар сонини оширади.

Миграция малакали мутахассислар ва инсон ресурсларининг кўчиб кетиши, турли касалликларнинг тарқалиши ва ўлимлар сонининг ортиши, диний фанатизмнинг ўсиши, террорлик ва экстремистик гуруҳлар ва оқимларга қўшилиб қолишга сабаб бўлади. Тилни, динни йўқотиш, ўз тарихи қадриятларини йўқотиш тенденцияси, авлодлар изчиллиги ва маданий мероснинг бузилиши кузатилади, миллатнинг нуфузи ва обрўсига таъсир қилади.

Бошқа ҳаёт билан кун кечираётган ва бошқа мафкуравий муҳитда бўлиб турган мигрантларнинг бундай тақдири уларда ўзига ва мамлакатига нисбатан совуқчиликни шакллантиради. Бундай тенденция нафақат оила муаммоларининг сонини оширади, балки жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ҳам мураккаблаштиради. Шунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда давлат демографик сиёсати концепциясини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вақти келди. Мазкур дастурнинг мақсади оқилона демографик ривожланишнинг вужудга келиши ва аҳоли турмушининг сифатини ошириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлиши лозим.

Дастурда асосий эътибор аҳолининг маданий-маълумот даражасини ошириш, маърифат ишлари, соғлиқ ҳақида қайғуриш, аёлнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида замонавий тасаввурларни тарбиялашга қаратилиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда туғилишни тартибга солиш чора-тадбирлари қўйидагиларни назарда тутиши керак: аҳоли сифатини ошириш; аёлларнинг умумий ва касб-ҳунар таълими олишдаги фаоллигини ошириш; аҳолини ишга жойлаштириш чора-тадбирлари ҳамда урбанизацияни ривожлантириш; республика фуқароларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш; оила, меҳнат жамоаси, шахснинг хатти-ҳаракатига давлатнинг таъсирини кучайтириш; оила ва никоҳни мустаҳкамлаш ва ҳ.к.

Демографик сиёсат концепциясини амалга ошириш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджети, шунингдек БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, БМТнинг Аёллар масалаларини ривожлантириш жамғармаси (ЮНИФЕМ) ва бошқа халқаро молия институтларининг маблағлари ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Давлат статистика қўмитасида оилалар сони, аҳолининг оилавий ҳолати, оилалар таркиби тўғрисида маълумотлар ҳисоби юритилмайди. Назаримизда, қўмитанинг “Демография ва меҳнат статистикаси” бошқармаси “Оила” илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда оилаларга доир статистик шакллар ишлаб чиқиши ҳамда статистика бўлимлари томонидан унинг ҳисобини юритиш лозим.

Аҳолининг никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини самарали амалга ошириш мақсадида қулай шароитларга эга бўлган ва яхши маош

тўланадиган иш ўринларини яратиш зарур, бу оилада эр-хотин ўртасида иқтисодий ва руҳий асосда юзага келиши мумкин бўлган жанжалларнинг камайишига олиб келади. Никоҳ ва оилани мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли давлат дастурини ишлаб чиқиш, эр ва хотиннинг оила ва фарзандлар олдидаги масъулиятини ошириш, ажрашишнинг эр-хотиннинг ўзлари, уларнинг фарзандлари ва умуман жамият учун оқибатларини тушунтириш мақсадида никоҳ қўраётган ёшлар учун маслаҳат хизматларини йўлга қўйиш, ФХДЁ органлари ҳузурида никоҳ-оила муносабатлари бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этиш, олий ўқув юртлирида ва ўрта мактабларда демография курсини жорий этиш ҳамда ёшларнинг никоҳга оид хатти-ҳаракати тўғрисида махсус маърузалар ва семинарлар ўтказилишини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларининг оила ва никоҳ соҳасида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи давлат муассасалари билан боғлиқлигини кучайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарори // www.lex.uz.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 й. 27.03. 09/18/229/0950-сон
3. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Монография. – Т.: Университет, 1997. – 158 б.
4. Мамадалиева Ҳ. Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-демографик ривожланиши. Монография. – Т.: Global Books, 2017. - 148 б.
5. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. - Т.: Fan va technologya, 2010. – 276 б.
6. Ўзбекистонда оила институтига таъсир этувчи демографик жараёнлардаги ўзгаришлар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.
7. Абдурахманова Г.Қ., Мухитдинов Э.М. Аҳолини иш билан бандлигини оширишда ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. – 6-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат миграцияси бўйича ҳисоботи // www.mehnat.uz.